



ШТШМШМ,

п

я

ля

1 и

и

и?Юр реР) Штшай


2018
4
агре!

188K 2091-5543

Ветеринария
ишида
режалаштири
ш

ВЕТЕРИНАРИЯ ВА

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ



8

Паррандаларни
салмонеллездан
асранг!

14-6

Лимфатроп
усул
ҳақида

19-бет

Ценуроз
ва
жарроҳлик

22-бет

Антибиотиклар
зарарлими?

28-бет

Оғиз сути
афзалликлари

37-бет

Инновация
илғорликка
ундайд

46-бет

Қрим-Конго
геморрагик
иситмаси

47-бет

Р

Эл
назарида



АСАЛАРИЧИЛИК

О.ТЎРАЕВ, ЎзЧИТИ, А.АВИЗОВ, А.ТЛЕУМУРАТОВ, А.КАПЛУН,
ТошДАУ

УДК: 638.144.5.

АСАЛАРИ ОИЛАСИ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ОЗУҚАВИЙ ҚЎШИМЧАЛАРДАН

Фойдаланиш

Аннотация

Мақолада асалари оиласи маҳсулдорлигини оширишда минерал озукавий қўшимчалардан фойдаланишнинг афзаллиги хусусида батафсил маълумотлар ёритилган. Шунингдек, бундай озукавий қўшимчалардан асаларичиликка ихтисослашган барча хўжаликларга татбиқ этишга тавсиялар берилган.

Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг сердаромад соҳаларидан биридир. Республикамининг табиий-иқлим шароити ҳам асалари оиласини тезкор технология асосида боқиш учун жуда қулайдир.

Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 мартдаги 348-сонли "Республикада 2009-2011 йилларда асала-ричилик соҳасини ривожлан-тириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги дастури қабул қилинган. Мазкур дастур асо-сида 2012-2015 йилларга мўлжалланган республикада асаларичиликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари ҳам белгилаб олинган. Тадбирга асосан 2015 йилга бориб республикада асалари оиласи сонини 409,8 мингтага, асал ишлаб чиқаришни эса 5082 тоннага ет-казиш кўзда тутилган. Бу эса асаларичиликда амалга оширилган ислохотларни барча хўжаликларда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва уни тезкорлик билан амалга оширишини талаб қилади.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида зарарли кимёвий моддалар кўп ишлатилади. Бу эса биологик муво-занат бузилишига олиб келади. Натижада табиий чанглатувчи ҳашаротларнинг тури камаяди.

Республиканинг иқлим шароити тез ўзгарувчанлиги асаларилар учини фаолиятини ва асал тўплашини анча сусайтиради, ҳавонинг кес-киниси ва ёғингарчиликлар кўп бўлиши эса ўсимликларнинг шира ажратишини тўхтатиб қўяди. Ана шу даврда асалари оиласининг ривожланиш жараёни тўхтаб қолади, она асалари тухум қўйишни қисқартиради. Натижада оилада ёш насл миқдори


камаяди. Буларнинг ҳаммаси асалари оиласининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади ҳамда оилани баҳор ва ёз фаслларида қўшимча ра-вишда рағбатлантирувчи минерал озукалар беришни талаб қилади (Тўраев О., 2006).

Асалари организмда модда алмашинув жара-ёнида минерал моддалар етишмаслиги туфайли физиологик жараёнлар бузилишига ва ҳатто орга-низмнинг ҳалок бўлишигача олиб келади. Шунинг учун ҳам, шакар шарбати таркибида энг муҳим минерал моддаларни қўшиш асалари оиласининг баҳорги ривожлантири-шини анча тезлаштира-ди ва оила қишловининг муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

Асалари оиласини эрта баҳорда гулчанги етишмаган даврда улар-нинг ўсишини таъмин-лаш мақсадида қўшимча равишда оила ривожпа-нишини тезлаштирув-чи минерал моддалар ва витаминлар билан озиклантириш катта аҳамиятга эга. Маълумки, бу минерал моддалар асалари оиласи ривожланиши-га ижобий таъсир этиб, мўл асал ҳосили олиншини таъминласа, иккинчидан, асалари оиласидан қўшимча равишда янги асалари шохобчалари шакллантирила-ди ва асалари пакетлари ташкил этишда имкониятлар яратилади, учинчидан, ривожланган асалари оилала-ри қишлоқ хўжалик экинларини четдан чанглан-тириб, ҳосилдорлигини кўпайтиради.

Асалари оиласини кучайтириш ва маҳсулдор-лигини ошириш мақсадида сигир сути, стимовит, эпиброссенолоид, кондисил препаратлари ва "кич-кинтой" болалар озукаси ҳамда турли микроэлемент-лар билан қўшимча озиклантиришда, Бойценюк Л.И. ва бошқалар (2000), Ишмуратова Н.М. ва бошқалар (2002), Тўраев О.С. (2006), Тўраев О.С. ва бошқалар (2010) каби олимлар тегишли тадқиқотлар ўтказган.

Асалари озукаси таркибини мафо ва микроэлемент-лар билан бойитишда табиий минерал моддалардан озукавий қўшимча сифатида





АСАЛАРИЧИЛИК

фойдаланиш ҳам ўзининг ижобий самарасини беради, чунки минерал моддалар таркибца тирик организм учун зарур бўлган 20 дан ортик

минерал модда мавжуд бўлиб, у асаларилар организми- да модда апмашинув жараёнларини фаоллаштиради.

Табиий минерал моддалар озуқавий кўшимча сифатида қўлланилганда асалари оиласининг ривожланишига, маҳсулдорлигига ва асал сифатига ҳам ижобий таъсирини кўрсатади, шунингдек, минерал моддалар асалари организмда профилактик ҳимоя воситаси ҳам ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда 2011-2012 йилларда Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг асаларичилик тажриба синов майдончасидаги асалари оилаларини эрта баҳорда ривожлантириш ҳамда улардан кўпроқ маҳсулот олиш мақсадида минерал моддалардан асалариларга кўшимча равишда озик бериш учун УУИа-МАХ премиксидан фойдаланилди.

Зоотехник кўрсаткичлар асосида асалари оилалари олдиндан бонитировка қилинди ва ўхшашлик асосида уч хил, 5 тадан асалари оиласидан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Биринчи гуруҳ назорат ва қолган иккитаси эса тажриба гуруҳлари эди. Ҳар иккала тажриба гуруҳларининг биринчисида 50 % ли шакар шарбати билан бирга, 10 мг Ша-МАХ премиксидан ва иккинчисида эса 20 мг УУИа-МАХ премиксидан кўшимча равишда, 2012 йил 17 мартдан 14 апрелгача кунора 300 мг дан бериб борилди.

Назорат гуруҳида эса ҳеч қандай кўшимча ишлар ўтказилмади. Ҳамма гуруҳлардаги асалари оилалари олдиндан ташкил этилган умумий услублар асосида назорат қилинди.

Минерал озуқаларнинг асалари оиласи ривожланишига таъсири

Кўрсаткичлар	п	Йўлакча сони (йўлакча)	Насл миқдори (квадрат)	Она асаларининг кунлик тухум қўйиши (дона)
Назорат гуруҳи (шакар-шарбати)	5	6,5±0,10	71,2±25,8	593,3±9,4
I-тажриба гуруҳи, шакар-шарбати-10 мг. Ша-МАХ	5	7,2±0,11	235,6±2,6	1963,3±22,1
II- тажриба гуруҳи, шакар-шарбати-20 мг. Ша-МАХ	5	9,8±0,18	321,6±3,4	2620,0±42,5

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатмоқцаки, минерал озуқа ҳисобланган ШХа-МАХ премиксидан фойдаланилганда оилада насл миқдори I тажриба гуруҳида назоратга нисбатан 32,3 % га, II тажриба гуруҳида эса 51,6 % га ошганлиги аниқланди. Худди шундай она асаларини кунлик тухум қўйиш даражаси муттасил ошиб рган ва I тажриба гуруҳида

ари оиласига рағбатлантирувчи озуқа кўшимчаси бўлган ШАа-МАХ премиксидан фойдаланиб, асосий асап йиғиш давригача асапари оилаларида кўп миндорда ёш асала- рилар шакллантиришга шароитлар яратилади.

Бундай озуқавий кўшимчаларни асаларичиликка ихтисослашган барча шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига татбиқ этиш учун тавсия этилади.

эйдаланган адабиёт

1. Байценюк Л.И., Верешаю И.Ю., Малиновский Н.В., Эпиброссенолид и цитокинии при весеннем развитии пчел. ж. "Пчеловодство", 2000, №6, стр.20-21.
2. Ишмуратова Н.М., Манопов А.Г; Ишмуратов Г. 10., Талстояков Г.А. Препарат кандсил для стимулирования роста и развития семей е ранневесенний период, ж. "Пчеловодство", 2012, №2, стр.20-21.
3. Чупохина О.К. Стимовит-эффективная подкормка для пчел. ж. "Пчеловодство", 2006, №1, стр.14.
4. Тураев О.С, Технолоаия содержания пчел в условиях хлопкосеюшей зонь/ Бухарского вилоята. Автореферат канд.диссер. Ташкент, 2006.
5. Тураев О.С., Безверхов А.П., Кошпаева Г.Б., Селе-



Эълон

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ветеринария фа- культети 1977 йилда битир- ^ ган талабалар диққатига! 2013 йил 15 май куни 35 ; йиллик юбилей ўтказилади. Йиғин жойи Ветеринария фа- & культети. Соат 8⁰⁰ да. Телефонлар (+99891) 672-88- (8366)237-04-47 (+99894) 102-02-2 Ташкилий куму

новая подкормка пчел. ж. «Зооветеринария», 2010, №3, стр 45-46.

назоратга нисбатан 30,9 % га ва III тажриба гуруҳида эса 41,5 % га ошганлиги аниқланди (P<0,01).

Шундай қилиб, асаларичилик хўжаликларида мустаҳкам озуқа базасини яратиш мақсадида асал-

Уточнение



АСАЛАРИЧИЛИК

В подписи под снимком на стр. 35 в третьем номере

журнала за текущей год
следует правильно читать:
Барану производители.



АСАЛАРИЧИЛИК